

КИЧИК БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШНИНГ АХБОРОТ МОДЕЛИ

Махмудова Дилбар Рахмоновна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7376115>

Аннотация. Мақолада ҳозирги ижтимоий-иқтисодий тизимни босқичма-босқич рақамлаштириши жараёнида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришдаги муаммоларнинг самарали ечими сифатида обьектнинг тизимли ахборотлашган жараёни (*ОТАЖ*) яъни ахборот моделининг моҳияти ва афзаликлари хусусида сўз юритилган. Муаллиф мадқиқотлари асосида кичик бизнесни бошқариши тизими (*КББТ*) ахборот модели ишилаб чиқилган ва унинг асосий хусусиятлари очиб берилган.

Калим сўзлар: Кичик бизнес, бошқарув, рақамли иқтисодиёт, иқтисодий таҳлил, операцион элементлар, обьектнинг тизимли ахборотлашган жараёни (*ОТАЖ*), маълумотлардан фойдаланишини тизимлаштириши (*МФТ*), самарадорлигини оширувчи маълумотлар (*SOM*), алгоритмик тамойил, иқтисодий ахборот ресурси, рақамли иқтисодиёт талаблари.

ИНФОРМАЦИОННАЯ МОДЕЛЬ УПРАВЛЕНИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА

Аннотация. В статье рассматриваются сущность и преимущества информационной модели объекта как эффективного решения задач совершенствования управления малым бизнесом в процессе поэтапной цифровизации действующей социально-экономической системы. На основе авторского исследования разработана информационная модель системы управления малым бизнесом (*СУМБ*) и выявлены ее основные черты.

Ключевые слова: Малый бизнес, управление, цифровая экономика, экономический анализ, операционные элементы, системный информационный процесс объекта (*ОТАЖ*), систематизация использования данных (*МФТ*), данные повышения эффективности (*SOM*), алгоритмический принцип, экономический информационный ресурс, требования цифровой экономики.

INFORMATION MODEL OF SMALL BUSINESS MANAGEMENT

Abstract. The article discusses the essence and advantages of the information model of the object as an effective solution to the problems of improving small business management in the process of step-by-step digitalization of the current socio-economic system. Based on the author's research, the information model of the small business management system (*SBM*) was developed and its main features were revealed.

Keywords: Small business, management, digital economy, economic analysis, operational elements, systematic information process of the object (*ОТАЖ*), systematization of data use (*МФТ*), efficiency-enhancing data (*SOM*), algorithmic principle, economic information resource, digital economy requirements.

КИРИШ

Кичик бизнесни ҳозирги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожланиши тизимида ташкил этиш ва уни самарали бошқариш билан боғлиқ жараёнлар кўп жиҳатдан, уларни (мана шу жараёнларни) тўлақонли ифодалашда **иштирок этиши мумкин бўлган барча комплекс ахборотларни тизимли тарзда** тадқиқ этиш билан боғлиқ. Ижтимоий-иқтисодий тизимларда ҳар қандай жараёнларни ташкиллаштириш ва бошқариш

масалалари энг аввало, бу тизимларда кечётган ахборот алмашинуви, уларда маълум бир тизимли тарзда ахборотларнинг шаклланганлиги ҳамда бундай шаклланганликнинг иқтисодий ва ижтимоий моҳияти, табиати ҳамда қандай мақсадларга қаратилганлиги бўйича илмий-амалий жиҳатдан асосланган ҳолда олинган натижаларга боғлиқ бўлади. Энг муҳими, бундай тизимлар қаторида бўлган кичик бизнесни бошқариш механизмида иштирок этиши мумкин бўлган ахборотлар (маълумотлар) моҳияти ва табиатидан келиб чиқиб, уларни иқтисодий ресурслар сифатига олиб келишнинг ташкилий-хукукий ва иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ўта муҳим вазифа саналади.

Масаланинг бундай қўйилишидан асосий мақсад шундан иборатки, айнан рақамли иқтисодиётнинг туб мақсади ва вазифалари билан кичик бизнесни бошқаришнинг ахборот тизимлари ўзаро алоқадорлигини уйғунлашган ҳолда баҳолаш, бундай алоқадорликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, **кичик бизнесни бошқариш тизимининг ахборот моделини ишлаб чиқишидир.**

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Классик иқтисодий назария асосларидан келиб чиқадиган бўлсак, кичик бизнесни бошқариш билан боғлиқ жараёнлар иқтисодий таҳлилнинг бир қанча усулларига асосланган. Бунда муҳим жиҳат шундан иборатки, иқтисодий таҳлилни қўллаш объектнинг табиати, табиий ҳолда шаклланиши ва унда кечётган жараёнлардан жамият ҳаёти ва иқтисодий муносабатларга кўрсатадиган таъсирини баҳолашга қаратилиши билан бирга, уни тартибга солишдан кутилаётган бош мақсадни аниқлашни тақазо этади. Шу билан бирга, бундай мақсадни адекват қўйилиши ҳам, қўлланилаётган иқтисодий таҳлил усулининг қай даражада кенг қамровли, тизимли ҳамда қандай маълумотларга асосланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Умуман олганда, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий объектлар ўз-ўзидан шаклланмайди, уларнинг маълум бир ички хусусиятлари мавжудки, улар ҳар доим ҳам аниқ ифодаланиши, иқтисодий таҳлил усуllibарида маълум бўлган “операцион элементлар” миқёсида бундай хусусиятлар тўлиқ қамраб олиниши мумкин бўлмай қолади. Бу масалалар ечими, бизнинг фикримизча, ана шу тадқиқ этилаётган объектнинг тизимли ахборотлашган жараён (ОТАЖ) сифатида қаралишига боғлиқдир.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тизимли таҳлил этиш ёки уларга тизимли ёндашиш азалдан иқтисодий таҳлил усули сифатида қўлланилиб келинган. Лекин, бундай ёндашувларни, ҳозирги замон ахборот тизимлари ва технологиялари ривожланганлик даражасидан келиб чиқадиган бўлсак, амалий тадбиқига турлича қарашлар мавжудлигини қайд этиш лозим бўлади. Яъни, объектни тизим сифатида қараш, уни тизимли таҳлил этиш ва тизимли бошқариш масалаларида иштирок этаётган маълумотлар (ахбортлар)дан фойдаланиши ҳам тизимлаштириш, уларни ташкил этувчилари (элементлари) табиатидан келиб чиқиб комплекс тарзда умумлаштирилиши ҳам ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Таъкидламоқчимизки, маълумотлардан фойдаланиши тизимлаштириш (МФТ) масаласи тизимли таҳлил жараёнларини турли объектларга қўллашда ҳозирги кун тартибида турган ўта долзарб масала ҳисобланади. Демак, бизнинг объектга нисбатан қаралганда, мақсадимиз, рақамли иқтисодиёт ривожланиб бораётган шароитда Кичик бизнеснинг шаклланишини ва уни тартибга солинишини ОТАЖ шаклида ифодалашга эришиш ҳамда унга асосланиб кичик бизнесни бошқариш тизимини баҳолаш

хисобланади. Бунинг учун бизнингча, биз кичик бизнесни бошқариш тизимининг ахборот моделини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнесни бошқариш тизимининг ахборот моделини ишлаб чиқишида бир жиҳатга жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади. У ҳам бўлса, масаланинг қўйилиши, яъни кичик бизнес рақамли иқтисодиётда ўзини бор хусусиятларини тўлиқ ифода этишини ҳамда бу хусусиятларни кичик бизнес иштирокчилари кесимида уларнинг ахборот ташувчиларини ахборот тизимига олиб келиш (шакллантириш) асосида ёритиш ва шунга асосан уни тартибга солиш масаласи бир томондан қўйилса, иккинчи томондан эса, ишлаб чиқилиши назарда тутилган кичик бизнесни бошқаришнинг ахборот моделига алоҳида тизимли талаб қўйилиши масаласидир. Бу тизимли талаб, бизнинг фикримизча, масаланинг биринчи жиҳатдан қўйилишидаги ахборот тизимини шакллантиришда улар элементлари ахборот ташувчиларининг самарали асосда ана шу тизимни шакллантиришга хизмат қилиши зарурлиги масаласидир.

Натижада, бу талабнинг бажарилиши билан кичик бизнесни бошқаришнинг ахборот модели самарадорлигини оширишга қаратилган бу кичик бизнесни ташкил этувчиларининг маълумотлар базалари ҳам, мана шу модель доирасида таркиблаштирилади. Кичик бизнесни бошқаришнинг ахборот модели концептуал чизмасини келтиришдан аввал, юкорида айтиб ўтилган «объектнинг тизимли ахборотлашган жараён (ОТАЖ)» ва «маълумотлардан фойдаланишни тизимлаштириш (МФТ)» тушунчаларига тўхталиш зарур бўлади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнесда кечадиган жараёнларни тизимли ахборот жараёнлари сифатида қараш шундай жиҳатки, унда кичик бизнес фаолиятидан олинган натижалар (бандлик ва ишсизликнинг даражаси ва таркиби; уларни ифодаловчи маълумотлар) ҳар қандай ихтиёрий вақтда кичик бизнес иштирокчиларининг мақсади ва вазифаларини белгиловчи маълумотлар базаларида ахборот алмашинуви жараёнлари содир бўлаётганлиги асосида олинади. Шу билан бирга, ана шу ахборот алмашинуви натижасида шунга алоҳида эътибор бериш керакки, ахборот алмашинувига киришувчи маълумотлар базаларида (кичик бизнес иштирокчиларининг) ўзаро алоқадорликка киришувчи маълумотлар ва ўзаро алоқадорликка кириши мумкин бўлмаган маълумотларга ажралиши содир бўлади.

Гап, ўзаро алоқадорликка кириши мумкин бўлмаган маълумотлар базаларидаги маълумотлар қисмларини ўрганиш, уларни кичик бизнесни бошқариш тизими ахборот модели ишлашининг самарадорлигини оширувчи маълумотлар (СОМ) сифатида қарашга эришишdir. Бунинг учун, маълумотлардан фойдаланишни тизимлаштириш (МФТ) тушунчасини киритамиз. Буни тушуниш учун, у ёрдамида, яъни маълумотларда (ўзаро алоқадорликка киришиши мумкин бўлмаган) фойдаланишни тизимлаштириш ёрдамида қуйидаги масалалар ўз ечимини топишини тушуниш етарли деб ҳисоблаймиз.

Демак, МФТ ёрдамида ОТАЖни самарадорлигини тўлиқ ифодалашга қаратилган ва шу билан бирга айнан иқтисодий нуқтаи назардан асосланган маълумотлар (қўрсаткичлар) гина фойдаланишлиги кераклиги масаласи ҳал этилади; бундан ташқари, бундай самарадорликни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда бу мезонларни амалий тадбиқи учун зарур бўлган маълумотлар интеграциясини асослаш масалаларига ечим

топилади. Шундай қилиб, ОТАЖ ва МФТ лар кичик бизнесни бошқариш тизими ахборот моделининг ўзаги ҳисобланади. Куйида рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнесни бошқариш тизими ахборот моделининг концептуал чизмаси келтирилади (1-расм).

Кичик бизнесни бошқариш тизими (КББТ) ахборот моделининг бирламчи хусусияти шундан иборатки, унда ахборотлар оқимининг (ахборот жараёнларининг) алгоритмик тамойили амал қилиниши зарурлигидир. Бу, яъни алгоритмик тамойил шундай тамойилки, унга кўра, ахборотлар оқимининг “қатъий белгиланган” кетма-кетлигининг сақланиши заруриятидир. Бошқача айтганда, келтирилган концептуал чизмада элементлар (бўлимлар) туб мазмун-моҳиятини, бажаришлари зарур бўлган вазифаларини ва ўзларини умумий чизмадаги ўрни (мақсади)ни ифодалашга қаратилган маълумотлар базаларига эгаки, улар (ана шу маълумотлар базалари) ихтиёрий эмас. Балки бош мақсадга қаратилган ахборотлар алмашинувига киришади.



1-расм. КББТнинг ахборот модели концептуал чизмаси

ХУЛОСА

Демак, бош мақсадга қаратилган бундай ахборотлар алмашинуви тегишли алгоритм асосида амалга оширилиши зарур; бош мақсад эса, бу - кичик бизнесни бошқариш тизимининг самарадорлигини унинг (кичик бизнеснинг) ахборот модели доирасидаги ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда оширишга эришишдир. Яна муҳим бир жиҳат шуки, келтирилган чизмада қатнашувчи мутлақ барча маълумотлар (ахборотлар) айнан кичик бизнесни бошқаришнинг ахборот моделида (кўйилган мақсадга мувоғик) **қатнашаётганлиги асос бўлади**, яъни самарадорликни ошириш нуқтаи

назаридан **маълумотлар (ахборотлар) ахборот ресурсига, тўғрироғи, иқтисодий ахборот ресурсига айланади**, чунки самарадорлик соф иқтисодий тушунчадир.

Таклиф этилаётган КББТнинг ахборот модели концептуал чизмасига кўра, юқорида айтилганидек, ОТАЖ ва МФТларни моделнинг бош элементлари (ўзаги) эканлигини уларни «Рақамли иқтисодиёт талаблари» бўлимига киритишимииз билан асослаймиз. Уларни айнан шу бўлимда қарашимизнинг боиси шундаки, иқтисодиётни рақамлаштиришнинг бош мақсадини, яъни, келгусида барча ижтимоий-иқтисодий муносабатлар такомиллашуви айнан ахборот ва рақамли технологияларга асосланиб бориши **зарурлигини (бош мақсад)** КББТнинг ахборот моделида ҳам қайд этиш кераклигидадир. Буни ахборотлар алмашинуви нуқтаи назаридан қарасак, улар (ОТАЖ ва МФТ) кичик бизнес иштирокчиларининг маълумотлар базаларидан олинган маълумотларгагина асосланади.

Ўз навбатида айтиш жоизки, “Рақамли иқтисодиёт талаблари”га кичик бизнес иштирокчилари маълумотлар базаларидан ҳеч қандай маълумотлар олинмайди, сабаби, бундай талаблар (рақамли иқтисодиётнинг) умумгоявий, умумтехнологик тараққиётга бўлган илмий-назарий қарашлар маҳсулики, улар ҳар қандай маълумотлар базаларини ана шундай қарашлар доирасидаги тегишли маълумотларнинг объектив манбаи ҳисобланиши керак. Бизнинг объективизга нисбатан айтадиган бўлсақ, кичик бизнес иштирокчиларидан тўғридан-тўғри ОТАЖ ва МФТ лар маълумотлар олмайди, балки иштирокчилар ўзаро ахборотлар алмашинуви асосида шаклланган уларнинг маълумотлар базаларидангина, ўзларининг туб моҳиятидан келиб чиқиб (ОТАЖ ва МФТ ларнинг) тегишли маълумотлар (ахборотлар)ни талаб қиласди, ва шу талабни қондириш бўйича уларда ички ахборот жараёнлари кечади.

REFERENCES

1. Rakhmonovna M. D. A System of Government Regulation and Support Measures to Improve Small Business Governance in the Digital Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – Т. 14. – С. 93-97.
2. Rakhmonovna M. D. Foreign Experience In Regulating And Supporting Small Business By The State //Eurasian Journal of History, Geography and Economics. – 2022. – Т. 5. – С. 22-26.
3. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – С. 57-60
4. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT 2021
5. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT
6. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – С. 38-39
7. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).

8. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT.
9. М.Д.Рахмоновна СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. VIII Международная научно-практическая конференция «SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY» 2021. Том. 2. С. 40-43
10. MD Rakhmonovna “The Role and Importance of Small Business in Shaping the Digital Economy” American Journal of Economics and Business Management 4 (8), 82-90, 2021
11. D. Maxmudova “Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш” Science and innovation 1 (A5), 440-448, 2022
12. D.Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A6), 516-523, 2022
13. D. Maxmudova “КИЧИК БИЗНЕС ВА УНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, ШАҚЛЛАРИ, МЕТОДЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ” Science and innovation 1 (A7), 435-445. 2022
14. D. Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИШДА КАДРЛАР МАСАЛАСИ” Science and innovation 1 (A7), 446-450. 2022
15. D. Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A7), 451-461. 2022
16. D. Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ” Science and innovation 1 (A7), 462-469. 2022
17. D. Maxmudova “ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ, КИЧИК БИЗНЕС БОШАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДИР” Science and innovation 1 (A7), 470-781. 2022
18. D. Maxmudova “ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕСНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ” Science and innovation 1 (A7), 482-488. 2022